

ИНСОН ВА ҚОНУН

Адолат ҳар ишда
ҳамроҳимиз ва
дастуриimiz
бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

2016 йил 15 ноябрь • сешанба № 45 (1041)

Адлия вазирлигида: Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги

Мен сайловда илк бор иштирок этаяпман!

Сайлов — 2016



АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббу-си билан “Ҳуқуқий саводхон-лик ойлиги” доирасида Юри-стлар малакасини ошириш мар-кази ҳамда “Самарканд дарво-за” савдо мажмуасида ташкил этилган навбатдаги тадбир-ларда Тошкент юридик колле-жи ҳамда ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей ўқувчилари иштирок этишди.

“Ўзбекистон учун овоз бера-ман!”, “Менинг овозим — Ва-танам келажаги” мавзуидаги тадбирларда ўқувчи-ёшлар ўртасида ўзаро билим алма-шиш имконияти яратилди. Ёшларнинг ўз сиёсий ҳуқуқла-рини яхши тушуниб етишлари ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган мазкур акция баҳс-мунозара тарзида ташкил этилди. Тадбир иншолар, вик-торина (савол-жавоб), слайд-лар танлови, ўқувчилар ижо-дида Ватанни мадҳ этувчи шеърлар, имконияти чеклан-ганларнинг сайлов ҳуқуқи мав-зуидаги маърузалар асосида бўлиб ўтди.



Суратда: тадбирдан лавҳа. Б.Пўлатов олган сурат.

“Менинг овозим — Ватанам келажаги!”




Озода ХЎЖАЁРОВА,
Тошкент юридик коллежи
3-босқич ўқувчиси:

— Мен ҳам ушбу тадбир даво-мида Ватанни мадҳ этувчи шеър-ларим билан телевикторина тан-ловида иштирок этдим. Ва ушбу танловда биринчи ўринга сазовор

бўлдим. “Сен истаган фарзанд бўламан” номли илк шеърӣ тўпла-мим нашрдан чиқди. Мен ўз Вата-нимга бўлган севгимни, садоқатим-ни ҳамда Конституциямизга бўлган муносабатимни ўз шеърларимда акс эттиришга ҳаракат қиламан. Биз жамики 18 ёшга тўлган тенг-дошларимиз билан жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбеки-стон Республикаси Президенти сай-ловида илк бор иштирок этамиз. Ҳар бир 18 ёшга тўлган Ўзбеки-стон Республикаси фуқароси сай-ловларда иштирок этиш ҳамда овоз бериш ҳуқуқига эга ҳисобла-нади. Яқинда бўлиб ўтадиган сай-ловда фаол иштирок этишга ҳамда ўзим муносиб деб билган халқлар-вар, юртимизни ҳар жиҳатдан юк-салтиришга қодир номзодга овоз бераман.

Бу акцияда тенгдошларим билан ҳуқуқий саводхонлигимизни янада оширдик. Сайлов ҳуқуқига оид қонун ҳужжатлари билан яқиндан та-нишиб, назарий билимларимизни мустаҳкамладик.

“Ўзбекистон учун овоз бераман!”



Жасур НАЗИРЖОНОВ,
Тошкент юридик коллежи
3-босқич ўқувчиси:

— Мамлакатимиз муҳим сиё-сий жараён арасида туриб-ди. Жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республика-си Президентлигига сайлов

бўлиб ўтади. Ушбу тадбирдан катта таассурот олдик. Ном-зодларнинг сайловолди дас-турлари билан танишиб чиқ-дим. Мен бу йил 18 ёшга тўлдим. Сайловда илк бор иш-тирок этиб, ўзим муносиб кўрган номзодга овоз бера-ман. Юртимиз тараққиётининг эртанги куни, буюк келажаги, ёруғ истиқболи учун бор куч ва шижоатини аямайдиган номзодга овоз бераман. Биз бу акция доирасида профес-сор-ўқитувчиларимиз кўмагида ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари-миз соҳасидаги билимлари-мизни янада ошириб боряп-миз. Мазкур тадбирда иншо-лар танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладим. Бу муҳим сиёсий жараёнларда қатнашар эканман, мамлакатим-миз келажагига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман. Мен буюк келажак учун овоз бераман.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

2016 йил — “Соғлом она ва бола йили”



Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири

ОНАЛИК ва болаликни муҳофаза қилиш мамлака-тимиз учун диққатга молик масалалардан биридир. Юксак салоҳиятга эга, жисмоний ва маънавий жи-ҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш мамлакатим-мизда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда юртимизда оналик ва бола-ликни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандар-тларга асосланган кенг қамровли ислохотлар из-чиллик билан олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасига оид 80 га яқин халқаро шартномалар, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга тааллуқли қондаларни мужассам этган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Хусу-сан, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Аёлларга нисбатан кам-ситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғри-

сидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги кон-венция, ва бошқалар шулар жумласидан.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг қону-ний асослари Ўзбекистон Республикасининг Конс-титудияси, Меҳнат ва Оила кодекслари, шунингдек, бир қатор қонунлар, хусусан, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжат-ларида мустаҳкамланган. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини тако-миллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги, “Маҳ-сулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Йод етишмаслиги касалликлари про-филактикаси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган. Бу борада “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши му-ҳим қадам бўлди.

4 декабрь — сайлов куни!

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ таъминланган

МАЪЛУМКИ, Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президентини олиб бориши мумкинлиги мустаҳкамланган. Яъни, эътибор беринг, халқ ваколат берадиган органлар қимдир ёки қайсидир орган ёки мансабдор шахс томонидан тайинланмайдиган, балки бевосита давлатнинг эгаси бўлган халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайловларда яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Мамлакат фуқаролари ўзлари номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахсларни сайловнинг моҳиятини ташкил этган танлов асосида танлаб оладилар. Бунинг моҳиятида нафақат шахсни танлаш, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсатининг мавжуд ҳолати, унинг келгусида қандай ривожланиши ҳақида номзодлар илгари сураётган стратегик дастурлар ичидан энг муносибни, халққа маъқулни ажратиб олиш ҳам демакдир.

Шу маънода 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови Ватанимиз тарихида гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Чунки мамлакатимизда Президент — давлат бошлиғи мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, Конституция ва қонунларга қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, давлат мустақиллиги, ҳафсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этишга, давлат ҳокимияти органларининг қишлоқларда ҳолда фаолият юритиши ва ҳамкорлик қилишига масъул шахс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови тўғрисида"ги қонунлари билан тартибга солинган.

Мазкур қонунларда фуқароларга ўз танловларини эркин, ихтиёрий ва адолатли равишда амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар қўлга тутилган. Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий маъна, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маъмуоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва ҳусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, 18 ёшга тулган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур ёш энг маъқул ҳисобланиб, бу ёшда шахс тиббий, биологик жиҳатдан воёга етади. БМТга аъзо бўлган давлатларнинг 178 тасида овоз бериш ёши 18 этиб белгиланганлиги ҳам мамлакатимизда тўғри йўлни танлаганимиздан далolatдир.

Сайлов қонунчилиги кенг турдаги муносабатларни қамраб олган бўлиб, унинг бир қирраси имконияти чекланган шахслар, беморлар, сайлов куни овоз бериш имкониятига эга бўлмаганлар учун ҳам тенг шарт-шароитларни яратиб бергандир. Бунинг ўзи ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслигининг бир ифодасидир.

"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан сайловчилар қарда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловда ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда эътибор берилadиган жойи шундаки давлат ўз Қонуни билан "сайловчилар қарда бўлишларидан қатъи назар" уларнинг хоҳиш-истаги, иродаси ифода этилишини ўзининг имкониятлари билан рўёбга чиқариши кафолатланади. Шунинг учун ҳам мазкур Қонуннинг 19-моддасида саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиш шартлиги — белгилан қўйилган. Бу кафолат ҳам ҳар бир овоз муҳим ҳисобланиши, халқ давлат ҳокимиятининг манбаи бўлганлиги боис сайлов масъуллари у қарда бўлишдан қатъи назар унинг хоҳиш, истагини ҳисобга олишга мажбур эканлигини англатади.

Шунинг учун ҳам "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикасининг ҳокимий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, қасалхоналари ва бошқа доимий ишлайдиган давлат муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамоққа сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкинлиги белгиланди. Ушбу Қонуннинг 31-моддасида эса айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига биноан комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Шунингдек сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Мuddатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Мuddатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади. Мuddатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунинда бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади.

Агар фарзандимиз ёки бирон-бир қариндошимиз ҳарбий хизматда бўлса, уларга ҳам сайлов ҳуқуқи кафолатланади. Қонунга кўра, сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Агар фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари бузилса, унга ўз сайлов ҳуқуқини суд йўли билан ҳимоя этиш, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамoат бирлашмаларининг айриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланган.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА,
юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентини сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ мuddатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияси раиси Ф.Тошев меҳмонларга Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлови кампанияси жараёнида, округ сайлов комиссияси ваколатлари ва олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

"Ўзбекистон Республикасининг Президентини сай-

лови тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, округ сайлов комиссияси томонидан Самарқанд вилоятида 1030 сайлов участкаси тузилгани ва участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқлангани, айтини пайтда комиссиялар ўз фаолиятини бошлагани таъкидланди.

Сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилиб, округ сайлов комиссияси фуқароларни ўз фаолиятини хабардор этиб бормоқда. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Округ сайлов комиссияси ҳузурида сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил этилган. Айтини пайтда давом этаётган сайловолди ташвиқотида Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига номзодларга тенг

шароит ва имкониятлар яратилган. Бу даврда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланган.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси узоқ мuddатли кузатувчилари Анна Гизела Реншмид хоним ва Александр Ньютон Андерсон бу галги Президент сайловини кузатиш учун миссия Ўзбекистонда биринчи марта тўлиқ таркибда иштирок этаётганини билдирди.

— Тошкент шаҳрида миссиямизнинг бош штаби ўз фаолиятини бошлади, — дейди Александр Ньютон Андерсон. — Унинг таркибиде сайлов

тизими, сиёсий, қонунчилик, медиа, кам сонли миллатлар бўйича экспертлар бор. 20 нафар узоқ мuddатли кузатувчилар мамлакат бўйлаб сайловга тайёргарлик жараёни билан танишмоқда. Бу кузатувиимиз асосан сайлов кампаниясининг бориши, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга риоя этилишини ўрганиш билан боғлиқ бўлади. Мазкур кузатувлар натижалари асосида миссиямизнинг оралиқ ҳисоботи эълон қилинади. Сайлов якуни билан дастлабки ва якуний ҳисоботлар тайёрланади.

Меҳмонлар сайлов округида комиссиянинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Ғ.ХАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Аҳоли саломатлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Президентини ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 100 дан зиёд фармон ва қарорлар долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2009 йилдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари, шунингдек, 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2003 йил 25 августдаги "Никохланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорларини ҳам таъкидлаш лозим.

Юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан оналик ва болаликни ҳуқуқий ва моддий қўллаб-қувватлаш, воёга етмаганлар ва аёллар меҳнатини муҳофазалаш, оиланинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, болалар тарбияси учун шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирлар натижасида ўртача умр қўриш давомийлиги ошди, оналар ва болалар ўртасида ўлим кўрсаткичлари камайди, санитар-эпидемиологик ҳолат, касалликларни даволаш ва уларнинг профилактикаси таъминланмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилиш доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали миллий модели шаклланди ва бутун дунёда ўзининг юқори сифати



билан эътирофга сазовор бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал жараённинг фаол иштирокчиси ҳисобланади, мамлакатда бу борадаги вазифалар самарали ҳал қилинмоқда ва буларнинг бари Ўзбекистонда кўпгина кўрсаткичлар бўйича етакчи давлатлардан бири бўлишга имкон бермоқда.


Мамлакатимизда мазкур йўналишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига қатта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорлик фаол ривожланиб бормоқда. Мазкур халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти Жамғарманинг мамлакатлар бўйича дастури доирасида амалга оширилмоқда ва қўйидаги соҳаларни қамраб олмақда: аҳолининг фаровонлигига қўмаллашиш; оналик ва болаликни муҳофаза қилиш; ёш болаларнинг ҳаётини яхшилашга қўмаллашиш.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича муҳим ҳамкорларимиздан ҳисобланади. ЖССТ донор мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши орқали оналик ва болалик соҳасига оид дастурларни (иммунизация, ўткир респиратор юқумли касалликлар, кўкрак сутти билан боқилишнинг кенгайтирилган дастури ва шу каби) ўз ичига олувчи лойиҳаларни Ўзбекистонда жорий этмоқда.

Бундан ташқари, 1993 йилдан буён Ўзбекистонда

Мулоҳаза

Китобнинг ҳам уволи бор



КИТОБНИНГ жамият тараққиёти, инсон онги, тафаккурининг ўсишида хизмати бекиёс. Бу бебаҳо неъмат ўтмишдан садо бўлиб асрлар, авлодлар, миллат ва эллар тўғрисида ғувоҳлик беради. Бундан ташқари, китоб тарбиячи, эзгулик ва яхшиликни тарғиб қиладиган беминнат қўланма. У фикрнинг чархлайди. Илм булоғи кўзини очадиган ҳам китобдир. Дунёдаги барча буюк алломалар, пир умурид ва олимларнинг билим-салоҳиятга эга бўлишида китобнинг хизмати бекиёс. Шу тўғрисида ҳам уни доимо ардоқлашмиш, кўз қорачиқидек асрашмиш лозим.

Ҳар қуни эрталаб бир-икки соат куча айланаман. Каттақурун шохларининг ўртасидан оқиб ўтадиган Наҳрпай канални бўйига борганимча кўп қаватли уйлар орасидан кесиб ўтаман. Ўқинида ўтиб кетаётган бадиий ёшларимизда бизга сабоқ берган адабиёт муаллиминини Пўлат ака Эшимов ҳамгин ахволда лойга беланган тўрт-бешта китобни қўлида кўтариб олганча менга неъвоз чиқди.

— Бу нима кўргулик, инсон зоти ҳам шу даражада маънавий қашшоқ, манкурт бўладики, ахир. Қара, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар", Абдулла Қаҳҳорнинг "Синхалак", Ойбекнинг "Қутлуг қон" китобларини қайсидир қалтафам, бағиритиш ахлатга ташлаб кетибди. Бу ахир худбинлик-ку? Абу Абдуллоҳ Рудакий "Китобнинг йўқолиши" — маслакдошининг йўқолиши", деганди. Айрим кишилар, нахотки, буни билмасалар. Шу ҳақда бирор-бир нарсаси ёзсанг ўғлим. Зора, айрим кишилар инсофга келиб китобга бўлган муносабатини ўзгартирса.

— Ҳақиқатан ҳам бугун айрим кишиларнинг китобга муҳаббати йўқ. Буни яширмаслик керак, — дейди Пайшанба шаҳарча Фуқаролар йигини раиси, кекса ҳуқуқшунос Қамариддин Аҳмедов. Кўп китоб ўқийман. Айнан китоб тўғрисида дунёнинг буюк эъзувчилари асарларини, улар яшаган мамлакатлар

ҳақида, турли миллат удумлари ва уларнинг маданиятидан хабардор бўлганман. Бир сафар бемор бўлиб қолганимда соғлиқимни буюк тиббиёт олимларининг китобларини мутлоаа қилиб тиклаганман. Китобнинг баҳоси йўқ. У кишини тарбиялайди. Онгу тафаккурини ўстиради. Ёшлигинидада маҳалламиздаги кутубхонадан бадиий китобларни навабда туртиб олиб ўқирдик. Эсимда, раҳматли отам китоб муқовасига сом-ти қўйганимда роса қойганида. Китоб нондек азиз, сен унинг муқовасига сомса қўйиб, кўрим-эси ахволга солдир. Ахир бу китобни ёзувчи узоқ тунларни бедор ўтказиб, кўз нури, қалб қўрини тўкиб ёзган. Устанинг машаққат билан қўрган иморатини бузсанг, унинг қанчалик қаҳри келади. Ёзувчи ҳам бир китоб ёзгунича озмича машаққат чекадим, шу ҳақида ўйлаб кўриндими? Китобни ардоқла, уни озода ва тоза тут. Унга ёмон муносабатда бўлсанг, ўволи уради, деб менга дашном берганди. Минг афсуски, хозир кўпгина оилалар, аксарият ёшлар китоб ўқимай қўйди.

— Китобнинг кадр-қиммати ҳақида сўз очиб мени қийнаб келадиган даражимни янгиладимиз, — дейди кекса маориф ходими Файзулла Мухаммадиев. Ўқинида кўчада кетаётган бир бола қалин муқовали катта хажмдаги китобни қопқот ўринида тегиб кетаётганлигини кўриб жоним халқумиға келди. Югуриб бориб тўпқорқа беланган китобни олиб қарасам, рус

ёзувчиси Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" асари экан. Ҳалиги болани роса қойдим. Бу ёзувчиси дунё тан олганини биласанми, десам елка қисади. Шу ҳам гап бўлдики, арзимас нарсаси учун нега мени қийинсиз, деб устидан қулди. Чунки унинг ўлиди китоб ўқимайди. Толстойнинг қардан билсин. Шу ўринида бир фикр. Дунё ва атоқли ўзбек ёзувчиларининг ўлмас ва буюк асарларининг китобларини муқова ва варақлари эскириб, сарғайиб қолган. Уларни саралаб қайта нашр қилиш борасида ҳам ўйлаш лозим. Бугун жойлардаги кутубхоналар тугатилиб, уларнинг ўрнига ўқув масканлари қошида Ахборот-ресурс марказлари ташкил бўлган.Оқиғи, бу марказларга ҳамма ҳам қатнай олмайд. Шу сабабли икки-уч маҳалла қошида кутубхона ташкил этилса, яхши бўларди. Ана ўшанда, китобхонларнинг сони ҳам, китобларнинг қадри ҳам ошарди...

Ҳақиқатан ҳам китоб улуг неъмат. Инсон онсиз яшаб бўлмаганидек, китобсиз ҳам яшай олмайд. Китоб ўқимаган инсон маънавий қашшоқ бўлади, маънавий қашшоқлик эса манкуртликка олиб келади. Манкурт кишининг қалб қўзи кўр бўлади. Шу тўғрисида ҳар бир китобни кўзга суртиб, ардоқлаш керак.

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

